



YOSHLAR OVOZI


Maxsus son



БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС БУГУН ЎЗГАРМАСАК, ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ!

МАЪНАВИЯТИМИЗ, ГУРУР-ИФТИХОРИМИЗ БИРИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚАДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ. ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ АНА ШУНДАЙ ЕТУК АВЛОД ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ. БИЗ БУНИНГ УЧУН МАБЛАҒ ВА ВАҚТНИ АЯМАЙМИЗ, БОР ИМКОНИАТИМИЗНИ ИШГА СОЛАМИЗ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ҲАММАСИ НИМАДАН БОШЛАНДИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни китобхонлик ва спортга кенг жалб қилиш, таълим-тарбия тизimini такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи давомида юқоридоғи мавзуга яна қайтиб, ёшларни компьютер технологиялари ва санъатга ҳам қизиқтириш зарурлигини таъкидлади.

- туман ва шаҳарлардаги маданият марказларида бадий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва "Ёшлар клублари"ни ташкил этиш;
- олис қишлоқларда енгил конструкцияли сандвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш;
- барча мактаблар ва 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш;
- "Маърифат қарвони" лойиҳаси доирасида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасига 1 миллион нусхадан китоб етказиб бериш;
- 2020 йилгача барча туманларда 195 та тикув-трикотаж корхонаси ташкил этиш.

5 та муҳим ташаббус илгари сурилди.

Президентимиз раислигида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда:

- ёшларга эътиборни кучайтириш;
- маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш;
- ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш;
- китобхонликни тарғиб этиш;
- хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари кун тартибидан ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта муҳим ташаббуси. Сўнгги бир неча ой мобайнида миллий медиа макондаги бу мавзу тренд даражасига кўтарилди. Муҳим ташаббусларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганига доир қайноқ хабарлар, таҳлилий мақола ва очерклар, жонли репортажлар жамоатчилик эътиборига деярли ҳар куни ҳавола этилмоқда.

Умуманфаат юзасидан бошланган ҳаракат халқни том маънода тўққилантириб юборди. Гап ёшлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи ислохотларга давлат раҳбари шахсан бош-қош бўлаётгани ёки уларга сиёсий тус берилгани эмас. Аслида ўша бешта ташаббус кабинетда ўйлаб топилган ҳам йўқ, Аксинча, илгари сурилган ҳар бир ғоя миллионлаб оддий одамларнинг хоҳиш-истаги, таъбир жоиз бўлса, қалб овозини ифода этади.

Ахир, туманида мўъжазгина кутубхона, замонавий кино-театр ёки истироҳат боғи бўлишини, маданий тадбирлар деворлари тўқилаётган зах бинода эмас, балки кенг ва шинама масканларда ўтишини, интернет тармоғига уланган компьютерлардан фойдаланишини, барча зарур инвентарлар билан жиҳозланган спорт залларида жисмонан чиникишини, муносиб шартларда меҳнат қилиб, рўзгорини бут қилишини, кўчасига асфальт ётқизишини йиллар давомида оруз қилиб яшаган юртдошларимиз оз дейсизми.

Мамлакатимизда шунча янгиликлар бўлаётган бир пайтда нега қишлоқ болаларининг ҳаёти ижобий томонга ўзгармаслиги, турмуши яхшиланиб, онгу шуури юксалмаслиги керак?! Бу қоракўзлар ҳам Ўзбекистон фарзандлари! Демак, шаҳарлик тенгдошларидан қолишмасликка, юксак марраларни кўзлашга, ўз устида ишлаб, ривожланишга, маънавий баркамол бўлишга ҳақли. Умуман олганда, барча ёшларимиз шунга баб-баравар иятлимоғи лозим. Уларни тўхтаб қўйиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий муаммони эса зудлик билан бартараф этиш талаб қилинади. Бешта ташаббус негизда худди шу мақсад ётибди.

лишида Президентимиз барча даражадаги раҳбарлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддиларидан ёшларга эътиборни кучайтиришни талаб қилганди. Бу масала Ўзбекистон учун принципиал аҳамиятга эга (ва доимо шундай бўлиб келган). Негалиги тушунарли. Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи ёшлардан иборат. Ушбу контингентнинг ўзига яраша талаб ва эҳтиёжлари, дарду ташвишлари бор. Бир қанча жиҳатларга эътибор қаратсак.

Биринчи жиҳат, кўпгина тенгдошларимиз қишлоқда истикомат қилади. Туманларда эса йиғит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича инфратузилма етарли эмас. Ҳарқалай, ҳозирча шундай. Тўғри, баъзи худудларда маданият марказлари мавжуд. Лекин аксарияти абгор аҳволда. Шу боис фаолиятини тўхтатган. Натияжада болалар на бирон тўғарақда шуғуллана олади, на кино томоша қилиши ёки маданий тадбирлар уюштириши мумкин. Чунки шароит йўқ. Буни Президент ташаббуслари рўёбга чиқарила бошланган илк манзил — Тошкент вилоятининг Бўқа тумани мисолида ҳам кўрдик.



Ачинарлиси, вазиятни ўнглаш мақсадида худудда йиллар давомида биронта ҳам иш қилинмаган. Аҳолининг маданий савиясини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, турмуш ташвишларидан аритиш ҳақида ҳеч ким ўйламаган. Шубҳасизки, бундай боқибеғамлик пировард натижада одамларнинг кайфиятига таъсир кўрсатади, турли иллатларнинг томир отишига сабаб бўлади.

ҳам, атрофдагилардан ҳам қаттиқ талаб қилмоқда!

Шундай қилиб, бешта муҳим ташаббуснинг дастлабки ёшларни санъатга ошно этиш ҳамда истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган. Шу мақсадга яқин икки йил мобайнида республикадаги барча маданият марказларида қўшимча 1 минг 500 та тўғарақ очилади. Бундан ташқари, бадий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар клублари ҳамда театр-студиялари ташкил қилинади.

Иккинчи муҳим жиҳат: ёшларни бўш қолдирмасликнинг яна бир ишончли усули уларни спортга кенг жалб этишдир. Шундайку-я, аммо барча худудларда ҳам спорт объеклари бор деймаймиз. Талаб даражасида жиҳозланмаганлари қанча. Видеоселектор йиғилишида Юрғошимиз бу ҳақда ҳам кўзонтанлик билан гапирганди.

Умумтаълим мактабларининг ўзида спорт анжуманлари етишмайди. Таъминланганлик даражаси 56 фоизни ташкил қилади, холос. Ўқувчиларга эътибор шу бўлса, маҳаллардаги ишсиз ёшларнинг гамини ким ейти? Ваҳоланки, улар ҳам спортни яхши куради. Ким билсин дейсиз, шароит яратиб берилса, балки орасидан чемпионлар етишиб чиқар. Нима бўлганда ҳам, масалага жиддий ёндашмоқ зарур.

Президент олис қишлоқларда енгил конструкцияли сандвич панеллардан кичик спорт заллари ҳамда сунъий қопламали майдонлар қуришни тақлиф қилган. Давлат тадбиркорларга қулай шартларда ер майдонларини ажратишга, ташаббускор ёшларга эса, бунга қўшимча равишда "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредитлар тақдим этишга тайёр. Баъзи юртдошларимиз бундай имкониятни қўлдан бой бермай, ишга аллақачон киришиб кетган. Масалан, Бўқа туманида бир неча тадбиркор ўз маблаглари ҳисобидан сунъий қопламали минни стадионлар барпо этмоқда.

Ахборот технологиялари асрида инновациялар яратишга ҳаракат қилаётган мамлакат

БОЛАЛАР НА БИРОН ТўҒАРАҚДА ШУҒУЛЛАНА ОЛАДИ, НА КИНО ТОМОША ҚИЛИШИ ЁКИ МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР УЮШТИРИШИ МУМКИН. ЧУНКИ ШАРОИТ ЙўҚ.

ёшлари компьютер ва интернет илмини сув қилиб ичиб юборган бўлиши керак. Йўқса, тараккиёт пиллапоясидан илдамлай олаймиз. Шу ўринда аччиқ ҳақиқатни тан олишга тўғри келади — Ўзбекистондаги барча умумтаълим мактабларида компьютер синфлари бўлса-да, бироқ ҳаммаси ҳам глобал тармоққа уланган эмас. Оддий техник таъминот масаласи муаммо бўлиб турган бир пайтда эртанги эгалари қандай қилиб рақамли дунёни таниши, ўзлари ҳам шу маконда рақобатлаша олиши мумкин?!

Оптималь ечим сифатида Президентимиз учинчи муҳим ташаббусни илгари сурди. Унинг доирасида шаҳар ва туманлар марказларида ёшларга рақамли технологиялар, жумладан, дастурлаш ҳамда электрон тижорат асослари бўйича пухта билим берадиган, стартап лойиҳалар яратишга кўмаклашадиган ўқув марказлари ташкил қилинади. Қолаверса, 2021 йилгача барча умумтаълим мактабларини юқори тезликдаги интернет

тармоғи билан таъминлаш кўзда тутилган. Тўртинчи муҳим ташаббус моҳиятида ёшларни китобхон қилишдек олижаноб ва улуғвор мақсад ётибди.

Яшириб нима қилдик, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда жамоатчилик кутубхоналари қолмади ҳисоб. Янгиликларни қуриш, кўнайтиришга биров бел боғламади. Мутасаддилар жим турди, рағбат кўрсатилмади. Жамоатчилик ҳам бу ишга қўл силтаб яшади. Адал-оқибат халқимиз, айниқса, ёшлар мутолаадан анча узоқлашиб қолди.

Олис худудларда яшаётган илмсевар ўғил-қизларга эса янги адабётларни топиш муаммо. Вазият обдон таҳлил қилинган, вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига "Маърифат қарвони"ни жўнатишга қарор қилинди. Шу

кишлоқ ва овулларга кўчма кутубхона — "Библиобус"лар катнови йўлга қўйилди. Қолаверса, яқин истиқболда шаҳар ва туманлар марказларида китоб дўконларини қуриш режалаштирилган. Ишнинг тайини йўқ, топиш-тутиши ҳаминқадар инсон ҳаловатини йўқотади. Иложсизлик ёки бекорчилиги сабаб ҳар кўйга тушиб, хатто ёт гоьлар тарғиботчиларнинг тузоғига илиниши ҳеч гап эмас. Жабрини эса нафақат ўзи, балки давлат ва жамият бирдари тортади.

ҳамон тақлифдан юқориликча қолмоқда. Аёлларга иш топиш бирмунча қийин. Айниқса, қишлоқда.

Бежиз эмаски, Президентимиз бешинчи ташаббусни айнан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш билан боғлади. Қандай қилиб деган саволга оқилона жавоб топишга — ҳар бир туманда тикув-трикотаж корхоналарини ташкил этиш керак. Иморат учун харажатлар сметаси ҳам минималлаштирилди. У енгил конструкцияли сандвич панелдан қуриلسа, анча арзонга тушади. Яна бир афзаллик тикувчиликни ўргатиш узок вақтни талаб қилмайди — кўпи билан уч ой. Мана шундай ҳисоб-китоблар асосида бир-икки йил ичида Ўзбекистонда камиди 195 та янги тикув-трикотаж фабрикасини ишга тушириш мумкин. Бу 24 минг нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш билан таъминланади деган гап. Ўзбек пахтасиндан тайёрланган тўқимачилик махсулотларининг бозори чаккон. Узок ва яқин хориж мамлакатлари ҳам уларни бажонидил сотиб олмақда. Юқоридоғи таҳлиллар, фикр ва мулоҳазалар бугун ўзгармасак, ёшларни қўлаб-қувлаб, ҳаётдан рози бўлиб яшашига имкон яратмасак, эртага кеч бўлишини кўрсатмоқда. Муҳими, айна ҳақиқатни давлатимиз чуқур англаб етган. Илк қадамларни ҳам ўзи ташлади. Хайрли бўлсин!



1-ТАШАББУС

ЁШЛАРНИНГ МУСИҚА, РАССОМЧИЛИК, АДАБИЁТ, ТЕАТР ВА САЊЪАТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИГА ҚИЗИҚИШНИ ОШИРИШ, ИСТЕЪДОДИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ



МУАММОЛАР

1. Юртимиздаги 800 дан ортиқ маданият маркази, 312 та мусиқа ва санъат мактаблари атиги 130 минг ўғил-қизни қамраб олган.
2. Мазкур муассасаларда ўқув-қўлланмалари, ноталар тўплами, мусиқа асбоблари ва жиҳозлар етарли эмас.
3. Соҳада мавжуд ресурслардан унумли фойдаланилмапти.
4. Малакали мутахассис-мураббийлар етишмайди.
5. Маданият ва санъат тўғрисидаги сони кам.

ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

- ✓ Маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, 1 минг 500 та тўғарак фаолияти йўлга қўйилади.
- ✓ Маданият марказларида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр студиялари ва ёшлар клублари ташкил этилади.
- ✓ Муайян мавзулар бўйича музей, тарихий обида, қадамжо ва театрларда сайёр тарих дарслари ўтказилади.
- ✓ Ёшларнинг қизиқишлари таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда маҳалла фаоллари кўмагида сўровномалар орқали аниқланади. Шунингдек, ўғил-қизлар ўз қизиқишларини @beshtatashabbus телеграм-боти орқали маълум қилиши мумкин.
- ✓ Худудларда ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, кўшимча тўғараклар очилади.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Японияда ҳар бир мактаб хор жамоасига эга. Шу йўсинда ўқувчиларда нозик дид ҳамда мусиқий маданият тарбияланади. Масаланинг бошқа муҳим жиҳати ҳам бор. Мазкур тажриба ёшларда жамоавий руҳни шакллантиради.



Расулжон КАРИМОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши маънавий-маърифий масалалар бўлими мудири:

— Мусиқа ва санъат мактаблари, маданият марказларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш биринчи галдаги вазифамиз. Бунинг учун фаолияти тугатилган академик лицей ва коллежлар моддий-техник базасидан унумли фойдаланиши лозим. Бундан ташқари, ташаббускор тадбиркорларга

маданият масканларини барпо этиши учун ер майдонлари, имтиёзли кредитлар ажратилиши, фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда. Ҳар бир туман ва шаҳарда вокал-чогу ансамбллари, барча таълим муассасаларида хор жамоаларини ташкил этиш ёшларда жамоавийлик руҳини шакллантиради. Ёзги таътилда Ёшлар иттифоқининг "Ёзги камалак билан" лойиҳаси доирасида ёшларнинг атиги ўн фоизини қамраб олишга қурбимиз етади. Қолган ўқувчилар бундан юз маслиги учун мактабларда кўшимча тўғараклар очилиши, компьютер синфларида мураббий назорати остида машгулотлар, ўйинлар ташкил этиши режалаштирилган. Ёшларни адабиёт ва санъатга қизиқтириш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси кўмагида танқиди ёзувчи-шоирлар, театр соҳасига қизиқувчилар учун актиёрлар иштирокида бодлар оромгоҳлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказилади.

БЎКА ТАЖРИБАСИ

АВВАЛ

Болалар мусиқа ва санъат мактаби — 1та;
маданият уйи — 4 та (3 таси таъмир-талаб);
маданият ва санъат йўналишидаги мавжуд 11 та тўғарак аъзолари 136 нафар;
мактабларда маданият ва санъат тўғараклари деярли йўқ.

Маҳаллалар балансида — 9 та стадион;
49 та мактабда — 42 та футбол майдони, 34 та спорт зал;
7 коллежда — 7 та кичик спорт зал;
болалар ва ўсмирлар спорт мактаби — 1 та;
Хусусий спорт майдони — 1 та.

49 та мактабнинг фақат 7 тасида 1 тадан компьютер интернет тармоғига уланган;
тиббий ва мактабгача таълим муассасалари интернетга уланмаган;
мобил алоқа сифати паст;
мактабларнинг 60 та информатика хонасига 276 та компьютер етишмайди.

Мактаб кутубхоналарига 382 та китоб жавони, 136 номдаги 36 мингдан зиёд бадиий адабиёт етишмайди.

Иш билан таъминланмаган аёллар — 1 минг 970 нафар.

ҲОЗИР

3 та маданият уйида таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Уларда 30 та тўғарак очилиб, 600 нафар ўғил-қиз қамраб олинади;
49 та мактабда ташкил этиладиган 129 та тўғаракка 4 минг 272 нафар ўқувчи жалб этилади;
18-30 ёшгача бўлган 5 минг 685 нафар (22,5%) ёш учун мусиқа ва санъат мактаби, маданият марказлари, мактабларда 150 та бепул ҳамда 35 та пулли тўғарак иш бошлади.

"Бўстон", "Чавлисой" маҳаллаларидаги стадионлар таъмирланмоқда, "Ровот" да сунъий қопламали мини футбол майдони қурилмоқда;
Ёшлар боғи да баскетбол, мини футбол ва стол теннис майдонлари барпо этиляпти;
3-мактабда спорт зали қуриляпти;
мактаб спорт заллари 17 минг 205 донга спорт анжомлари билан таъминланади;
7 минг 442 нафар ўғил-қиз спортга жалб этилади.

17,6 миллиард сўмга 555,8 км оптик толали алоқа линияси ўтказилди;
47 та мактаб (97%), 13 та МТМ (95%), 10 та соғлиқни сақлаш муассасаси (100%) оптик толали алоқа линиясига уланди;
45 нафар информатика ва ахборот технологиялари фани ўқувчисининг малакаси оширилди;
Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилмоқда.

Китобхонлик танлови голибларини (ҳар бир мактабдан ўртача 3 нафар ўқувчи) Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларга саёҳатга юбориш тизими йўлга қўйилди;
14 маҳаллада халқ кутубхоналари ташкил этилмоқда;
"Дўстлик" маҳалласида "Маънавият ва маърифат экоспарки" барпо этилмоқда;
китобхонликка қизиқувчи 7 мингдан зиёд ёш мутаолаа билан шуғулланиши учун шароит яратилади.

"Бўстон", "Чавлисой", "Хўжақўрғон", "Рамадон" ва "Янгиқўрғон" маҳаллаларида тикув-трикотаж мажмуалари қурилмоқда. Уларда 1 минг 385 нафар хотин-қиз ишли бўлади;
оғир турмуш шароитида ҳаёт кечираётган 585 нафар ишсиз хотин-қиз 80 нафар хунарманд аёлга устоз-шогирд аънаналари асосида бириктирилди;
тикувчилик, қорамолчилик, қуёнчилик йўналишларида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш, 756 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш учун 20,4 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилади.

2-ТАШАББУС

ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚТИРИШ, УЛАРНИНГ СПОРТ СОҲАСИДА ҚОБИЛИЯТИНИ НАМОЁН ҚИЛИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ

МУАММОЛАР

1. Юртимизда 12 мингдан зиёд спорт иншооти бўлиб, уларнинг ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш қуввати етарли эмас.
2. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат бўйича ўртача 56 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида атиги 12 фоиз, Хоразмда 14 ва Қорақалпоғистон Республикасида 15 фоиз.
3. Умумтаълим мактабларида болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун спорт заллари, жиҳозлар ва малакали мураббийлар етишмайди.

ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

- ✓ Туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимига малакали мутахассислар жалб этилади.
- ✓ Ёшларнинг спорт турларида қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражаси ўрганилади.
- ✓ Ёшлар ўз қизиқиши бўйича жисмоний тарбия ва спортга жалб этилади.
- ✓ Яқин икки йилда ҳар бир туманда енгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қурилади.
- ✓ Ёшларнинг физиологик ва психологик имкониятларидан келиб чиқиб, уларни спорт турларига йўналтириш.
- ✓ Тадбиркорларга "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилади.
- ✓ Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Хитойнинг "AVIC INTL" компанияси билан ҳамкорликда Спорт реабилитация марказини ташкил этади.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

— АҚШда ёшларни тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спортга алоҳида аҳамият берилди. Ҳукумат спорт ташкилотлари фаолиятини назоратга олди. Жисмоний тарбия ўқувчиларини тайёрлаш, уларга молиявий ёрдам беришни кўзда тутувчи қонунлар ишлаб чиқилди. Олий ўқув юрталарининг миллий ассоциацияси (НКАА) тузилди;
— Францияда 1920 йилда мактаб ёшигача бўлган болалар ва мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбияси ҳақида қонун қабул қилинди. Ҳарбий вазирлик ўқув юрталарида жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида низомни тасдиқлади.



Умид РАЖАБОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Спорт ва саломатлик бўлими мудири:

— Ёшларни спортга кенг жалб этиш, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Иттифоқнинг туман ва шаҳар кенгашиларида штаблар ташкил этилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИВ/ОИТС касаллиги, сийҳувандлик, ичкиликбозлик, қашандалик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган "Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" акциялари, "Ёшлар спорт ҳафталиги", "Ёшлар марафони" каби тадбирлар ўтказилляпти.

Бош мақсадимиз — ёшлар ўртасида соғлом рақобат асосидаги мусобақа руҳини яратиш. Натижада спорт тўғрисида оғайиб, тишимга малакали мураббийлар жалб этилади, ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтади, чиниқади. Муҳими, бу тўғаракларда профессионал спортчиликка дастлабки қадам қўйилади.

3-ТАШАББУС

АҲОЛИ ВА ЁШЛАРНИНГ КОМПЬЮТЕР ҲАМДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



МУАММОЛАР

1. Ёшларнинг IT соҳасини пухта эгаллашига имкон берадиган қўшимча таълим дастурлари йўқ.
2. Қишлоқларда компьютер ва интернет хизматлари етарли даражада кўрсатилмайди.
3. Робототехника ва дастурлаш бўйича тўғарақлар мавжуд эмас.
4. Таълим жараёнида ўқувчи ҳамда талабалар инновацион фаолиятга жалб қилинмайди. Стартап лойиҳалар яратишни билмайди.
5. Умумтаълим мактабларининг ҳаммаси ҳам интернет тармоғига уланмаган.



Алишер ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш бўлими мудири:

— Ёшлар ахборот технологиялари у ёки бу даражада қизиқади. Аммо айнан қайси жабҳасига деган саволга ойдинлик киритиш зарур. Ҳозир шу иш билан шуғулланяпмиз. Иттифоқнинг барча маҳаллий кенгашлари вакиллари хонадонма-хонадон юриб, йиғит-қизларнинг қизиқишини ўрганимоқда.

Бунда қуйидаги мантиққа таянамиз: агар бола дастурлашни ўрганишмоқчи бўлса, демак, у истиқомат қилаётган ҳудуд ёки ўқитган мактабда компьютер техникаси етарли, билим бера оладиган мутахассис ҳам бор. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, махсус курслар ташкил қилса бўлади. Борди-ю, компьютер ўйинларига қизиқман, деган жаъовони олсак, унда инфратузими ҳақида жиддий бош қотиришга тўғри келади.

Яна бир гап. Тўғарақлар очганингиз билан ҳамма ерда ҳам малакали ўқувчи топилмаслигини эътиборга олиш керак. Ўқувчиларни амалиётчи мутахассис ўргатгани маъқул. Лекин унинг хизмати катта пул туради. Ҳозир бир қанча ечимларни синаб кўряпмиз.

Масалан, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Ёшлар марказида баъзи хоналар IT компанияларга имтиёзли нархда ажарага берилмоқда. Улар офисини шу ерда очяпти, лекин эвазига маҳалла ёшларини дастурлашга бепул ўқитиб беради. Дастурчидан даре олиш барибир бошқача. Самара юқори бўлади. Кейинчалик бу компаниялар қобилиятли ўқувчиларни ўзларига ишга олиб қолиши ҳам мумкин.

Мен айтган тизим кўпроқ шаҳарда ўзини оқлайди. Олис ҳудудлар нима қилиши керак? Айни вақтда “Рақамли авлод стратегияси”ни ишлаб чиқардик. Фоя шундайки, вилоятлардан ахборот технологияларига қизиқадиган ёшларни тўплаб, улардан IT тренералар тайёрламоқчимиз. Кейин улар ўз қишлоғига бориб шу тажрибани давом эттиради. Ҳозирча бу режадаги иш. Аммо, ўйлайманки, тез орада уни амалга ошириб, қўтилган натижага эришамиз.

4-ТАШАББУС

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, УЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИКНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ



МУАММОЛАР

1. Республикада атиги 2 минг 898 та (2018 йил 1 январь ҳолатига) кутубхона мавжуд.
2. Қишлоқ ва овулларда бор-йўғи 968 та кутубхона бор. Чекка ҳудудларда яшайдиган ёшларнинг китобга эҳтиёжи қондирилмаган.
3. Аксарият мактаб кутубхоналари фақат дарслик китобларини тарқатиш ва йиғиб олиш учунгина ишлайди.
4. Жойларда китоб дўконлари етарли эмас.
5. Ахборот-ресурс марказлари ўзига юклатилган вазифаларни бажара олмаяпти.



ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

- ✓ “Маърифат қарвони” лойиҳаси доирасида бадий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этилади.
- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда китоблар етказиб берилади.
- ✓ Маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этади.
- ✓ Шаҳар ва туманларда кўча китоб павильонлари жойлаштирилади.
- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда “Библиобус”лар орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатилади.
- ✓ Ахборот-кутубхона марказларида капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилади.
- ✓ Тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очилади.



ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Жанубий Кореяда деярли барча йирик савдо мажмуаларининг бир қисми халқ кутубхонаси учун ажратилган. Улардан ҳамма бирдек беминнат фойдалана олади. Мутолаа учун яратилган қулай шартот ёшу қарини ўзига тортади. Кутубхоналарга китоб соғва қилиш анъанаси кенг тарқалган.



Акрам ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори:

— Бозор иқтисодиёти қонунлари устувор жамиятда маънавий кадрларни қайтадан шаклланди, анъанавий кадрлар ўрнига янги кадрлар қўриб келади, бу табиий жараён. Барча ривожланган мамлакатлар шу босқичдан ўтган. Муаммонинг ечим китоб мутолаасига бориб тақалади. Фақат бундай вазиятда моддий манфаат ва фундаментал билимнинг кесишадиган нуқтасини кўрсатиб бера олишимиз керак бўлади. Моддий манфаат тоғини учун ҳам аслида билим керак, аммо китоб ўқимасан, маърифатсиз одамлар моддий жиҳатдан бой бўлиши билан бирга, жамиятни маънавий таназзулга ҳам етказиши мумкин. Моддийтан-расуликка руҳу қўйиб, ботқоққа ботган халқлар ибрат бўлиши керак. Бугун мамлакатимизда кенг ёйилган китобхонлик тарғиботи зид орқали жамиятни соғломлаштиришга қаратилган.

Ташаббус доирасида “Библиобус”лар, янги кутубхоналар ташкил этиляпти, мавжудлари капитал таъмирланиб, адабиётлар билан тўлдирилмоқда.

Бу ишлар янада самарали бўлиши учун институтимиз жамоаси таклифларни тайёрлади. Таклифлардан бири: фақат китоб ўқидиган, яъни асарларнинг аудио ёзувини тайёрлаб, мунтазам эфирга узатадиган теле ва радиоканаллар очилсин. Ёшларнинг китобхонлик тарғиботи 24 соат турли рункидаги адабий асарларнинг аудиоёзувини тинглаш имкониятини яратиш зарур. Бу амалий ҳаракат турли ижтимоий қатламларда китобхонликка қизиқишни кучайтиради. Қўннинг истаган пайтида аудиокитоб тинглаш имкони пайдо бўлади.

Иккинчи таклиф: ўғил-қизлар ўртасида китобнинг аудио ёзувини яратиш бўйича Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари етакчилигида республика таълимни ўтказиши. Таълимнинг республика босқичига чиққанлар телеэкран ва радио орқали китоб ўқиб бера, энг муносиб ёшлар телевидиоаналда махсус рункиларга жалб этилса, ёшларда китоб ўқиниши иштиёқ янада кучаяди.



ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Россия Федерацияси таълим вазирлиги “Ўқувчиларнинг робототехника бўйича ижодий қобилиятини ҳамда илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширмоқда. Унга кўра, мактабларда робототехника тўғарақлари ташкил қилинган. Махсус хоналар ажратилиб, “RoboRobo”, “Moway” ускуналари, “Lego” конструкторлари билан жиҳозланган. Ўқув машғулоти болаларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.



5-ТАШАББУС

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



МУАММОЛАР

1. Худудларда хотин-қизларга мос иш ўринлари йўқ.
2. Иш ҳақи кам.
3. Бор иш ўринларига эса транспортда қатнаб ишлаш муаммоси мавжуд.
4. Хотин-қизларни касбга йўналтиришга мўлжалланган тўғарақлар йўқ.



ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?

- ✓ 2019-2020 йилларда барча туманларда сендвич панеллардан 195 та тик-трикотаж корхонаси ташкил этилади.
- ✓ Корхоналарни қуриш учун аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳудудлар танлаб олинган.
- ✓ Бу каби корхоналарни ташкил этиш натижасида хотин-қизлар учун 24 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратилади.




ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Жанубий Кореяда ёшларни касбга тайёрлаш таълим муассасасидан бошланади. Маълум бир касбга ихтисослашган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Кейинчалик фикридан қайтиб бошқа соҳа бўйича ишламоқчи бўлган фуқаро иккинчи касбга қабул қилинмайди. Яъни у ўқиган, йўналтирилган касбини муккамал билади. Иккинчи касб ҳақида тўла тасавури йўқлиги боис, юқори малакали мутахассис ишлаши лозим бўлган иш ўрнини банд қилади, холос.

Бунёд ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бандликка қўмақлашиши ва ижтимоий ҳимоя бўлими мудири:

— Бугунги кунда аксарият аёллар уй-рўзгор ташвишлари, фарзанд тарбияси билан банд. Бу улар ишлашни хоҳламайди дегани эмас. Турмуш ўртоғи руҳсат бермасани, қайнона-қайнатасига хизмат қилиш масъулияти мавжудлиги каби менталитетга хос анъаналар мавжуд.

687 мингдан зиёд ишсиз ёшлар аниқланган бўлса, бунинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар ўртасида ижтимоий сўронома ўтказилиб, аёллар ва қизларнинг қизиқиши ўрганилди. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун уч йўналишда иш олиб бориляпти. Аввало, 2019 йил якунига қадар манзилли дастур доирасида



Ёшлар марказлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда касб-ҳунар коллежлари базасидан фойдаланган ҳолда тик-трикотаж, тўқувчилик ва бошқа йўналишлардаги тўғарақларда 422 минг нафар ёшлар касб-ҳунар

қайта тайёрланади. Иккинчи йўналиш хотин-қизлар учун иш ўрни яратишга қўйиб бўлган тадбиркорлик субъектларини “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси орқали маълумлаштиришга қаратилган. Учинчи йўналишимиз мавжуд корхона ва ташкилотларга аёллар ва қизларни имкониятидан келиб чиқиб ишга жойлаштиришдан иборат.

Бундан ташқари, Ёш ҳунармандлар портали лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Бунда уста ҳунармандлар ва уларга бирик-тирилиши мумкин бўлган ёшлар рўйхати шакллантирилмоқда. “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси ҳам истиқболли. Деҳқончилик қилиш истагани бўлган хотин-қизларга газла майдонидан бўшаган ерларни бир гектардан бериш масаласи ҳам кўзда тутилган.

КЕЙИНГИ СОҒДА ЎҚИҒИ!

НАВБАТДАГИ МАНЗИЛ — УЧТЕПА

Шу йил 10 май кунини Президентимиз туман аҳли билан учрашганидан сўнг Бўка тажрибасини пойтахтда ҳам қўллашга қарор қилинди. Шундай қилиб, тез орада учтепалар учун “Экобоғ”, “Яшил хиёбон”, “Китоб кафеси” ва “Кўча спорт” намунасидаги спорт-соғломлаштириш майдончалари барпо этилади. Бу хайрли ташаббуслар ижросига Ёшлар иттифоқи фаол киришган.

ASLIYATDAN TARJIMA

Gabriel Garcia Marques

OG'RIQ TISH

Dushanba tongi iliq va bulutli boshlandi. Diplomi yo'q tish shifokori Aurelio Eskovar barvaqt uyg'ondi. Soat oltidayoq ishxonasining eshiklarini ochdi. Shisha idishdan sun'iy tish qoplamasini olib, bir uyum asboblari orasiga ko'rinarli-roq qilib joylab qo'yd...



Aurelio yoqasi yo'l-yo'l ko'ylak kiyib, bo'yindan tillarang fartuk ipini o'tkazgan, shimini esa, bog'ich bilan bog'lab olgandi. U qotmadan kelgan, qaddi barvasta bo'lib, nigohlari tiyrak edi.

Doktor stol ustini saranjomlab, stulga o'tirdi va qoplama tishni yaltiratishga kirishdi. Janob Aurelio beparvolik bilan bir maromda ishlar, oyoqlarini bo'lar-bo'lmasga likillatib o'tirardi.

Soat sakkizlarda u ishini to'xtatib, derazadan osmonga tikildi. So'ng qo'shni-sining uyidagi ariqda suzib, ofobda toblanayotgan ikki qushga ko'zi tushdi. U joyiga qaytar ekan, "Tushlikkacha yomg'ir yog'sa kerak", deb o'yladi. Shu payt eshik ortidan o'n ikki yashar o'g'lining ovozi eshitildi:

— Dada! — Ha, nima gap? — Alkald (shahar ma'muriyati boshlig'i - izoh tarjimondan.) keldi, tishimni olib qo'yadimi, deb so'rayapti. — Unga dadam uyda yo'q, deb ayt. Bu payt doktor tilla tishni tozalash bilan band edi. Uni avaylab barmoqlari orasiga joylashtirib, bir ko'zini qisganicha ishini bajarardi. O'g'li birozdun so'ng kutish zalida hozir bo'ldi:

— Dada, u kishi uydaligingizni bilarkan, ovozingizni eshitibdi.

Aurelio ishini to'xtatdi. Tishni avaylab joyiga qo'yib:

— Unda juda soz, — dedi-da, yana ishga sho'ng'idi. Chala bitgan qoplamalar

saqlanadigan karton qutini ochib, ichidan bitta qoplamani oldi.

— Dada!

— Nima deysan? — dedi doktor stoldan boshini ko'tarmay.

— Agar tishini olib tashlamasangiz, peshanangizdan otar ekan.

Doktor shoshmasdan, tozalaydigan apparatini chetga surdi, stuldan turib, tortmasiga nazar tashladi. Bu yerda to'pponcha bor edi.

— Yaxshi, unga ayt, kelib bemaol o'q uzaversin.

U kursini g'ildiratib, tortma yoniga olib keldi. Eshik ochilib, alkaldning gavdasi ko'rindi. Amaldor chap lunjini ushlab olgan, o'ng yuzi esa, besh kun olinmagan soqoli tufayli tikanak bo'lib ketgandi. Doktor tortmani barmoqlari bilan yopar ekan, xotirjam gap boshladi:

— O'tiring.

— Xayrli tong, — dedi alkald.

— Xayrli...

Doktor asboblari qaynatib olguniga

qadar alkald chakagini stolning burchagiga qattiq bosib o'tirdi. Og'riq biroz kamaygandek bo'ldi. U chuqur nafas oldi.

So'ng atrofga razm soldi. Xona juda odmi edi — yog'ochli stol-stul, dirillatadigan apparat, keramika to'ldirilgan shisha idishdan boshqa hech narsa yo'q.

Stulning qarshisiga darpardasi yelkadan baland bo'lgan deraza o'rnatilgandi. Doktor kelayotganini ko'rib, alkald og'zini ochdi.

Aurelio Eskovar bemorning yuziga chiroq tutdi. Zararlangan tishni ko'zdan kechirgach, og'riyotgan joyini barmoqlari bilan asta bosdi.

— Anesteziyasiz tortishga to'g'ri keladi, — dedi u.

— Nima bo'lgan ekan?

— Jag'ingiz yiring boylagan.

Bemor unga nigohini qadadi va tushunarli, degan ma'noda jilmaydi. Biroq doktor bu iltifotni javobsiz qoldirdi. U tozalangan asboblari orasidan kichkina toсни olib, ish stoliga qo'ydi va shosh-

masdan uning ichidan bir juft muzdek qisichni chiqardi. Tupukdonni bemorning oyoqlari ostiga qo'yib, qo'lini chayish uchun o'rindan turdi. U barcha ishni go'yo xonada hech kim yo'qdek bajarardi. Alkald esa, undan ko'zlarini uzmasdi.

Bemorga pastki jag'dagi aql tishi azob berayotgan edi. Doktor oyoqlarini mustahkam joylashtirib olgach, issiq qisich bilan og'riq tishni sug'urishga kirishdi. Alkald qo'llari bilan stulni mahkam ushlab olgan, oyoqlari titrayotganini, belidan esa, muzdek havo o'tayotganini his qilardi. Biroq u miq etmadi. Doktor og'riq tishni biroz qimirlatdi. So'ng hech bir g'arazsiz, achchiq alam bilan dedi:

— Mana, hozir halok bo'lgan yigirmata yigitimizning xunini to'laysiz, leytenant.

Bemor jag' suyagining g'arch etganini sezdi, og'riqdan ko'zlarini yoshga to'ldi. Tishni og'zidan chiqarmaguncha nafas olo olmay, qotib qoldi. Nihoyat, ko'z yoshlari orasidan og'riq tishini ko'rdi. Besh kecha azoblangani hozirgi holati oldida hech narsa emasdi. Alkald tez-tez nafas olganicha tupukdonga tuflab, kitelining belbog'ini bo'shatdi. Bo'yindagi ro'molini yechib, shimining cho'ntagiga soldi. Doktor unga toza sochiq uzatdi:

— Ko'z yoshlaringizni artib oling.

Alkald artindi, uning a'zoyi badani dag'dag' titirdi. Doktor qo'lini chayayotganda, bemorning ko'zi shiftda to'r yasadigan o'ngimchak va uning o'ljasiga tushdi. Aurelio qo'lini artar ekan, unga yuzlandi:

— Uyga borib yoting. Tuzli suvda g'arg'ara qilishni ham unutmang.

Alkald o'rindan turdi, doktor bilan harbiylarcha xayrlashdi.

— To'lov qog'ozini yuborishni unutmang, — dedi eshikdan chiqar ekan.

— Sizgami yoki shahar ahliga?

Bemor unga qaramay, eshik ortidan pichirladi:

— Menga la'nat bo'lsin...


U bu gapni doktorga aytdimi yoki qurbon bo'lganlarigami, bilmadik. Ehtimol, o'ziga-o'zi aytdigandir... Kim bilsin deysiz.

Ingliz tilidan Nodirabegim IBROHIMOVA tarjimasi.

NUQTAYI NAZAR

UYATGA QOLMAYLIK

Yurtimizda tarixiy yodgorliklar juda ko'p. Ulardan biri "ochiq osmon ostidagi muzey", deya e'tirof etilgan Xivadagi "Ichon qal'a" majmuasidir.



Bu ko'hna shahar ichida yurib o'zingizni o'tmishga tushib qolgandek his qilaysiz. Tor ko'chalar, qadimgi uslubda qurilgan o'nlab xonadonlar, mahobatli saroy-u masjidlar qarang to'yimaysan, kishi. Faqat bir noxush holat borki, u haqda jim turolmayman.

"Ichon qal'a"dagi minoralarga chiqqanlar bo'lsa biladi, ushbu go'zal inshootlarning ichki devorlari turfa beo'xshov yozuvlar bilan "bezaab" tashlangan. Aksariyati sevgi izhorlari. Minoraning tepasiga ko'tarilguncha ahvol shu.

Devorlardagi "husnbuzar"lardan uyalib, yuzingiz qizaradi. O'yab qolaman, axir, bunday nomaqbul ishlarga qo'l urayotganlar begona emas, o'zimizning qorako'zlar-ku. Nahotki, ular shu qilig'i bilan butun millatning boshini yerga qaratayotgani, buyuk tarix va madaniyatini

miz ustidan ochiqchasiga kulayotgani, qadriyatlarini oyoqosti qilayotganini tushunmasa?!

Xivadan sayyohlarning qadami uzilmaydi. Xorijdan kelgan mehmonlar ko'hna yodgorliklarni qay ahvolga solib qo'yganini ko'rib, butun mamlakat, xalq haqida noto'g'ri fikrga borishi mumkin. Hech bo'lmaganda, uyat qilib ketadi.

Tariximiz ko'zgusi bo'lmish me'moriy yodgorliklarga ziyon yetkazayotgan o'sha beandisha kimsalarga savolim bor: zamonaviy ta'mirdan chiqarilgan uyning devorlariga birov kelib boplab surat chizib ketsa, qay ahvolga tushasiz? Ranjiysizmi? Albatta! Nega unda pichoqni boshqalarga suqishimiz kerak?

Nazirabonu RAJAPOVA

FESTIVAL

XIVADA ISTE'DODLAR KASHF ETILDI



Yoshlar ittifoqi qoshidagi Respublika yosh ijodkorlar kengashi tashabbusi bilan Xiva shahrida "O'zbekiston bahori" II respublika an'anaviy ijod festivali o'tkazildi.

Unda 80 nafar ijodkor nazm, nasr, dramaturgiya, jurnalistika (internet, telejurnalistika, publisistika), tasviriy san'at va fotografiya yo'nalishlarida ishtirok etdi.

Ijodiy ishlarni adabiyot va san'atimizning yigirma nafar yorqin namoyandasi xolisona baholab bordi. Festival davomida yoshlar ustozlardan mahorat saboqlarini olish, tengdoshlari bilan o'zaro ijodiy fikr va tajriba almashish imkoniga ega bo'ldi.

Yigit-qizlar dastlab Urganch shahridagi Yoshlar markazi hamda Komiljon Otaniyozov nomidagi zamonaviy ijod markazi faoliyati bilan yaqindan tanishdi.

Bugungi globallashuv davrida inson qalбини tarbiyalash, ma'naviyatini yuksaltirishda san'at va adabiyotning o'rni beqiyos. Shu ma'noda festivalning ikkinchi kunida ishtirokchilar Xorazm Ma'mun akademiyasida mehmon bo'ldi. Shunday ulug' maskanda mahorat saboqlarini olish ularga ko'tarinki kayfiyat bag'ishladi.

Madaniy dastur doirasida yoshlar uchun ko'hna Xiva shahri bo'yab sayohat uyushtirildi. "Ichon qal'a" yodgorlik majmuasidagi tarixiy yodgorliklar salobati ijodkorlarni o'ziga rom etdi.


Festivalning yopilish marosimi Nurilaboy saroyida bo'lib o'tdi. Har bir yo'nalish bo'yicha 3 nafardan g'olib aniqlanib, qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi.

Sarvinoz SAKSONOVA

YUKSALISH

ZAMONAVIY DUNYO VA KASBLAR

Poytaxtimizda O'zbekiston ingliz tili o'qituvchilari assotsiatsiyasi hamda Ittifoq hamkorligida o'tkazilgan "Yoshlar - kasb ko'nikmalar - kelajak" nomli to'rtinchi xalqaro yoshlar sammiti nihoyasiga yetdi. Sammitda hududlardan kelgan 120, xorijlik 30 nafar iqtidorli yosh va mutasaddi tashkilot vakillari ishtirok etdi.



Yurtimiz va xorij yoshlarini bir maqsad yo'lida birlashtirib, bilim va tajriba almashish maydonchasini yaratish, yoshlarda zamonaviy dunyoqarashni, mahoratni shakllantirish sammitning asosiy maqsadi hisoblanadi. Sammit ishtirokchilari media, ta'lim, texnologiya, chakana savdo va xizmat ko'rsatish yo'nalishlarida ilg'or texnologiyalardan foydalanish, kasbiy mahoratni oshirish sirlaridan boxabar bo'ldi.

— Yoshlarda faol fuqarolik pozitsiyasini shakllantirish, tashabbuskorlik va innovatsion g'oyalarni har tomonlama qo'llab-quvvatlashga davlat siyosati darajasida e'tibor qaratilmoqda, — deydi O'zbekiston ingliz tili o'qituvchilari assotsiatsiyasi direktorining o'rinbosari Sirojiddin Olimov: — Besh-o'n yildan keyin jamiyatda, butun dunyoda ishchi kuchiga talab qanday bo'ladi? Albatta, yangi kasblar dunyoga kelib, boshqasining o'rmini egallaydi. Zamonaviy atamalar muomalaga kirib keladi. Sammitda yosh avlodni yangi kasblar bilan tanishtirdik.

Tadbir doirasida xalqaro startaplarga mu-


vofiq malakali kadrlar bilan mehnat bozorini ta'minlash, yoshlar o'rtasida malakali mutaxassis bo'lib yetishishga intilish tendensiyasini targ'ib qilishga qaratilgan mahorat darslari o'tkazildi.

Yoshlar sammitining birinchi kunida o'z mahorati bilan yuqori mavqega erishayotgan mutaxassislar va yoshlar o'rtasida "Liderlar suhbatlari" bo'lib o'tdi. Tadbirning ikkinchi kunida malakali mutaxassis va trenerlar yoshlarni kasb-humarga to'g'ri yo'naltirish, maqsadni boshqarish va unga erishish sirlari mavzuida seminar va mahorat darslarini o'tdi. So'nggi kun muloqot tarzida o'tib, ishtirokchilar media, ta'lim, texnologiya, chakana savdo va xizmat ko'rsatish sohalarining yetakchi mutaxassislariga o'z loyihalarini taqdim etdi.

Samarali muloqot usullari, jamoaviy ishlash qoidalari, muvaffaqiyatli ishga joylashish strategiyasi, qobiliyatni to'g'ri yo'naltirish borasidagi suhbat va mahorat darslari yoshlarda katta taassurot qoldirdi.

Ma'mura XO'JAQULOVA

SABOQ



ERKAKCHA SUHBAT

(pedagog Shalva Amonashvili xotiralaridan)

O'g'lim Paata o'n ikki yoshdiligida onasini shunday ranjitgan ediki, ayolim alamidan yig'lab yuborgandi...

Buvi va opasi Paata bilan gaplashib ko'rmoqchi bo'ldi, biroq bunday paytda ona-bola o'rtasidagi munosabatlarga boshqa birovning aralashishi to'g'ri emas. Hatto otaning tanbehi yaxshilikka olib kelmaydi. Shu bois men ham indamadim.

Oradan bir hafta o'tdi. Paata bo'lgan voqeani unutib yuborgandi. Bir kuni men uni "erkakcha suhbat"ga chaqirdim. Rafiqamga esa, bu haqda hech narsa demadim.

O'g'lim ikkimgiz sayrga chiqdik. Shunda men unga yuzlandim:

— Maslahating kerak, o'g'lim. Ancha vaqt oldin bir ayolni yoqtirib qolgandim. Agar menga turmushga chiqsa, uni hech kimga xafa qildirib qo'ymaslikka va'da bergandim. Nima deb o'ylaysan, to'g'ri qilganmanmi?

— Albatta! — ikkilanishsiz javob berdi o'g'lim.

— Xo'sh, agar sen qachondir, kimnidir sevib qolsang, bo'lajak turmush o'rtog'ingga shunday va'da

berarmiding?

— Albatta, berardim! — dedi Paata.

— Unda menga yordam berishingni istayman. Shu kunlarda men sevgan ayolimni ranjitib qo'ygan o'g'lim bilan nima qilishni bilmay turibman. Ayt, nima qilsam ekan? Axir, men unga va'da berganman...

Gaplarim o'g'limga qattiq ta'sir qildi. U uzoq vaqt jim turdi. Lekin shu payt qalbidan mavjlanayotgan tuyg'ular uni inson qilishini bilardim.

— Meni jazolang, — va nihoyat javob berdi u.

— Nega? Men seni buning uchun chaqirmadim... Biz ikki kishimiz va ikkimiz bir bo'lib ayollarimizni himoya qilishimiz kerak. Xo'sh, menga yordam berasanmi?

— Yordam beraman, — dedi Paata.

O'g'limning qo'lini siqdim.

— Unday bo'lsa, uyga ketdik, ammo bu gaplar haqida hech kim bilmasligi kerak: na onang, na opang, na buving. Bu bizning "erkakcha suhbat"imiz bo'lib qolsin.

Rus tilidan Nozima OLIMOVA tarjimasi.

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV TAHRIR HAY'ATI Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Irina Kochergina - bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev - mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina - mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi Sherzod MAHMUDOV Dizayner Xurshid ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabaq. Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-613 Adadi — 21170 Boshiga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 00.20